

Yurt taraqqiyoti yo'lidagi birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan



2024 йил 3 апрель куни давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида иштирок этди.

Президентимиз 2024 йил 3 апрель куни пойтахтда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз «Ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Унга мувофиқ, 2024-2025-ўқув йилидан Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда Фанлар академияси академиклари иштирокида дарс ўтиш амалиёти йўлга қўйилди.

2024 йил 3 апрель куни бўлиб ўтган Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди. Президент Тошкент шаҳри ҳокими лавозимига ҳоким вазифасини бажариб келаётган Шавкат Бўронович Умурзоков номзодини тавсия этди. Шаҳар ҳокимини тайинлаш масаласи овозга қўйилди. Овоз бериш натижаларига кўра, Шавкат Умурзоков Тошкент шаҳри ҳокими этиб тасдиқланди.

Шахноза Султонова Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари - Ойла ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди. Ҳокимлик хабарига кўра, шу кунга қадар ушбу лавозимда фаолият юритиб келган Нодира Умарова бошқа ишга ўтиши муносабати билан вазифасидан озод қилинди.

ТИВ матбуот хизмати хабарига кўра, 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Тимоти Смарт билан учрашди. Ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган қатор масалалар муҳокама қилинган мулоқот чоғида ишбилармон доиралар ўртасида яқин алоқа ўрнатиш, таълим алмашинуви, минтақавий ривожланиш қўламини янада кенгайтириш йўналишларида алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг май ойида кўхна ва бетакрор Бойсун туманида «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтади.

«БМТ-аёллар» тузилмаси билан биргаликда жорий йил 13-14 май кунлари Самарқанд шаҳрида Осиё хотин-қизлар форуми ўтказилди.

«ЯШИЛ МАКОН»ГА ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ҲИССАСИ

Бўстонлиқ туманидаги «Хўжакент» пансионатида Темирийўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси Республика кенгаши жамоаси 1650 туп мева ва манзарали кўчат ўтқазди.

Қайд этиш жоизки, «Яшил макон» лойиҳасини амалга оширишдаги кенг қўламли ишларда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи барча корхона ва ташкилотлар касабаси уюшмаси қўмиталари ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Хусусан, Тошкент, Бухоро, Қарши, Термиз, Қўнғирот, Қўқон минтақавий темирийўл узели ҳудудий касабаси уюшмаси қўмиталари 4856 туп, «Ўзтемирийўлмаштаъмир» АЖ, «Қуюв механика заводи» АЖ, «Андижон механика заводи» АЖ, «Ўзтемирийўлконтейнер» АЖ, «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» АЖ, «Тошкент механика заводи» АЖ касабаси уюшмаси қўмиталари ва «Чимён» пансионати томонидан 2600 туп мева ва манзарали дархат кўчатлари экилди.

Яхшидан боғ қолади. Хайрли ташаббус давом этмоқда.

Назокат НУРМАТОВА



Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

12 11

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси

Касабаси уюшмаси аралашгач...

Қораўзақ тумани тиббиёт бирлашмасида 2013 йилда юз берган иш вақтидаги бахтсиз ҳодиса натижасида бирлашма ходими У.Қосекеева вафот этган эди. Аммо шу вақтгача унинг 2008 йилда туғилган фарзанди У.Базарбаевага товон пуллари тўлаб берилмаган. Бу ҳолат Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси томонидан ўрганиб чиқилди.

ТОВОН ПУЛИ ундириб берилди



Ушбу жараёнда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган қоидаларнинг тегишли бандига амал қилинмагани аниқланди.

Охир-оқибат У.Базарбаевага 17 миллион 134 минг 346 сўм товон пули ундириб берилди. Адолат қарор топганидан кўнгли тўлган У.Базарбаева касабаси уюшмалари меҳнат инспекциясига ўз миннатдорлигини билдирди.

Бекполат УТЕПБЕРГЕНОВ, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши меҳнат техник инспектори

Жиззах вилояти

Ҳуқуқ

САФАР ХАРАЖАТЛАРИ НЕГА ТўЛАНМАГАН ЭДИ?

Республика Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги хати асосида иш берувчининг 2023 йил 29 мартдаги буйруғига кўра, Жиззах шаҳридаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Олим Зиятов 2023 йил 1 апрелдан 30 апрелгача малака ошириш учун юборилган.

Бирок, хизмат сафаридан қайтган ўқитувчига иш берувчи томонидан хизмат сафари пули тўланмади.

Ўқитувчининг Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгашига қилган мурожаати ўрганиб чиқилгач, кенгаш томонидан иш берувчига қонун бузилишини бартараф этиш ҳақида 2023 йил 18 октябрда тақдимнома киритилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига О.Зиятов манфаатини химоя қилиб даъво аризаси киритилди. Иш судда кўриб чиқилиб, О.Зиятовнинг фойдасига 3 450 000 сўм хизмат сафар пули ва 3 000 000 сўм маънавий зарар ундириш белгиланди.

Шу ўринда Жиззах шаҳрида бу каби низо фақатгина 10-умумтаълим мактабида содир этилмаганини қайд этиш жоиз. Бундан аввал шаҳардаги 1-умумтаълим мактабининг икки нафар ўқитувчисига сафар харажатларини тўлашда ҳам қонунбузилишига йўл қўйилган ва уларнинг ҳам ҳақи суд орқали ундирилган эди.

Бундай ҳол бошқа муассасаларда ҳам юз бермаслиги учун Жиззах шаҳар мактаб ва мактабгача таълим бўлими томонидан зарур назорат ўрнатса айни муддао бўларди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ «ISHONCH»

$(x-a)^2 + (y-b)^2 = r^2$
 $x^2 + y^2 + Dx + Ey + F = 0$
 $\sin \frac{\alpha}{2} = \pm \sqrt{\frac{1 - \cos \alpha}{2}}$
 $\tan X = \frac{\sin X}{\cos X}$


Устозларга таъзим қилишимиз керак!

>>> 3-саҳифада ўқинг

«CHINYON SANATORIYASI» MCHJ

ЭНГ ЖОЗИБАДОР САНАТОРИЙЛАРДАН БИРИ

>>> 4-саҳифада ўқинг



Касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш борасида қандай ҳуқуқларга эга?

САВОЛ: Касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига аралаша оладими? Бу борада уларга қандай ҳуқуқлар берилган?

Азиз АБАЗОВ

Напай тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича давлат дастурларини шакллантиришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлиналари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ташкилотлар раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шартномалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳақида ахборот олиш, ишлаб чиқаришдаги кўнгилсиз ҳолат ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бузилишларини бартараф этиш ҳақида иш берувчига таклифлар киритиш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилишга доир мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш, лойиҳалаштириладиётган, қуриладиётган, реконструкция қилинаётган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш объектларида меҳнат шартномаларининг хавфсизлиги ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг хавфсизлиги экспертизасида, ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синовлардан ўтказиш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Шунингдек, касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлиналари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари вакиллари тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси мажлисларида, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этишлари мумкин.

Бугина эмас, касаба уюшма ташкилоти меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилишга ҳақли.

Шу билан бирга, касаба уюшма ташкилоти ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлари камситилган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқини химоя қилиб, судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Бухоро вилояти

Ушбу ҳужжат навқирон авлод вакиллари бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва мафкуравий тарбияси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишдек муҳим вазифаларни амалга оширишга кўмакчи бўлиб хизмат қилади.

Меморандум доирасида ёшлар билан ишлаш соҳасидаги ижобий иш тажрибаларига оид ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйлади, «Устоз-шогирд» анъаналари ўрнатилади. Ёш касаба уюшма аъзоларининг муаммо ва ташаббуслари мунтазам равишда ўрганиб борилади. Касаба уюшмаларининг ёшлар билан ишлаш ва уларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган ижтимоий инфратузилмасини, жумладан, санаторий-курорт муассасалари, спорт иншоотлари ва базалари, дам олиш ва туризм муассасалари, ўқув ва кўнгилочар марказлар, клублар фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар кўлами янада кенгайтирилади.

Қайд этиш жоизки, Федерациянинг вилоят кенгаши

ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги оила ва хотин-қизлар бошқармаси ўртасида ҳам ана шундай ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур меморандум туфайли барча қорхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларида қайд этилган бандлардан келиб чиққан ҳолда хо-

тин-қизларга хавфсиз меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб берилиши, меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши, иш жойларида хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари химояси таъминланишига эришилади. Муҳими, ёшлар ва хотин-қизларга оид муштарак

мақсадлар сари ҳамкор ташкилотлар бундан буён биргаликда қадам ташлайди.

Достонбек Жўраев,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Муштарак мақсадларга биргаликда эришамиз

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши, вилоят ёшлар ишлари бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги оила ва хотин-қизлар бошқармаси ўртасида ҳам ана шундай ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мазкур меморандум туфайли барча қорхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларида қайд этилган бандлардан келиб чиққан ҳолда хо-

тин-қизларга хавфсиз меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиб берилиши, меҳнатига муносиб ҳақ тўланиши, иш жойларида хотин-қизлар ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари химояси таъминланишига эришилади. Муҳими, ёшлар ва хотин-қизларга оид муштарак

мақсадлар сари ҳамкор ташкилотлар бундан буён биргаликда қадам ташлайди.

Достонбек Жўраев,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Хоразм вилояти Фаолият

Ижтимоий шериклик самараси

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Янгиерик тумани кенгаши томонидан меҳнаткашлар манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жамоа шартномалари орқали ходимларга қулай шароит яратиши, уларнинг белгиланган имтиёзлардан тўла фойдаланишларини тўғри йўлга қўйиш диққат марказимизда турибди. Тармоқдаги 70 та юридик ташкилотда 3901 нафар ишчи-ҳодимнинг манфаатлари қамраб олинган бўлиб, жамоа шартномаси тadbирларини бажариш учун туман бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ 2 миллион 896 минг сўмни ташкил этди.

Бугина эмас, асосий узайтирилган таътиллار, ижтимоий таътиллardan 202 нафар ходим, жамоа шартномалари асосида ҳар йилги кўшимча таътиллardan 185 нафар ходим, икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун танаффуслар бериш имтиёзларидан 181 нафар ходим фойдаланди.

Жамоа шартномалари орқали ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан 61 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. 110 нафар ходимнинг фарзандларига оромгоҳларга йўлланмалар ажратилди.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга иш жойларида соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиш чоралари кўрилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида бу борадаги ишларни янада яхшилаш борасида ўрганишлар ўтказилиб, қоида ва меъёрлар бузилишлари бартараф қилиниши таъминланди. Жорий йилда ҳам касаба уюшма аъзолари манфаатларини кўзлаган ҳолда бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ёшлар ва аёллар учун муносиб ҳақ тўланадиган ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларига эга янги барқарор иш ўринларини яратиш масаласида ҳам имкон қадар кўмаклашилмоқда. Ҳар бир муассасада «Ходимлар гимнастикаси» йўлга қўйилган. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида оммавий спорт турлари бўйича туркум мусобақалар ташкил этиб борилапти. «Маърифат соатлари»да республикамизда, вилоятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун-моҳияти тарғиб қилинапти.

Гулистон ОТАЖОНОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Янгиерик тумани кенгаши раиси

Тошкент шаҳри Йигилиш



Қуюв-механика заводида барчаси яхши

«Қуюв-механика заводи» АЖ жамоа шартномаси бўйича вазифаларнинг бруттурги натижаси юзасидан йигилиш ўтказди.

Эътироф этилганидек, жамоа шартномасида белгиланган чора-тадбирлар амалиётда ўз ифодасини топмоқда.

Корхонанинг асосий фаолияти ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Шу боис хизматчилар учун, энг аввало, муносиб меҳнат шароити яратиш энг муҳим вазифамиз, – деди «Қуюв-механика заводи» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси Учқун Қаҳҳоров. – Шунингдек, техника хавфсизлигига қатъий риоя этиш, ходимларни махсус кийим-бош, зарарли ишда

банд бўлганларни эса сут махсуслотлари билан таъминлаш доимий диққат марказимизда.

Йигилиш асоси корхонанинг иқтисодий ва ижтимоий режалари белгиланиб, иш ҳақи жамағармасини ташкил этиш, меҳнаткашлар бандлигини тартибга солиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш каби долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Яқунда жамоа шартномасининг бажарилиши қоникарли дея эътироф этилди.

Амир АХМЕДОВ



Сарҳисоб

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган конференцияда жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши муҳокама қилинди. Унда бўлим бошлиғи Муроджон Нурмухаммедов ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Муратовларнинг ҳисоботлари тингланди.

водада ишчи-ҳодимлар тоза ичимлик суви билан таъминланди, Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармаси ишлаб чиқариш объектларида 50 донa кондиционер ўрнатилди. 300 ўринли «UNG интеллектуал ёшлар маркази» фойдаланишига топширилди. Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида 160 ўринли замонавий маиший бино ишга туширилди. «Устюрт» газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли «Арслон» газни комплекс тайёрлаш қурилмасидаги ишчи-ҳодимлар учун 80 ўринли ва «Урга» қонида барча қулайликларга эга бўлган ётоқхона фойдаланишига топширилди...

Музокара чоғида сўзга чиққан Муборак газни қайта ишлаш заводи касаба уюшма кўмитаси раиси Шароф Раҳматов жамоа шартномасига «Муборак жарроҳлик амалиётлари ва ўта оғир касалликлар туфайли даволанган ишчи-ҳодимлар ва яқин қариндошларига даволаниш харажатларининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги бандни киритиш таклифини берди.

Конференция сўнгида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал АБДИЕВ

«ISHONCH»

Муҳокама

Сирдарё вилояти

Соҳибқирон бобомиз Амир Темури кичик ўғли Шохруҳ Мирзога улғун, нуруний, аҳли илмлардан бўлган инсонлар билан суҳбатлашини, уларнинг насиҳатларига кўра иш тутишни одат қилишни уқтирган. Дарҳақиқат, ҳаётнинг баланд-пастини, аччиқ-чучугини кўрган кексаларнинг ҳар бири бамисоли дорилфунун, ҳикматга тўла хилқат. Уларнинг тажрибасига, йўл-йўригига сунган одам қоқилмайди.

Мулоқот

Уч авлод учрашуви

«Уч авлод учрашуви»да ёшлар ана шундай кўпни кўрган инсонлар билан мулоқотда бўлиб, ўғит ва насиҳатларига кулоқ тутишяпти, ҳаётини тажрибаларидан ибрат олишмоқда. Шундай учрашувлардан бири Федерациянинг Сирдарё вилояти кенгашида ташкил этилди.

Бугунги дорилмон кунларга қанча шукрона айтмайлик, барибир кам, – деди Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамағармаси Сирдарё вилояти бўлими кенгаши раиси Ўтбор Абдиев. – Бунга ўз-ўзидан эришилган эмас. Ёшлар ҳаёт қадрига етиб, юрт равнақи учун фидойи бўлишлари керак. Биз, нурунийлар ёшлар муаммоларини ҳал қилишда, ишсизликка барҳам беришда, оилалардаги ажримларнинг олдини олишда яна ҳам фаоллашамиз.

Учрашув чоғида Федерациянинг Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов ва фахрийлардан Гулистон давлат университетининг профессори Раҳман Маҳмудов ёшларни фикр доирасини кенгайтиришга, юрт истиқболи учун масъулиятли бўлишга ундади.

Касаба уюшмалари стипендиатиман, – деди ёшлар номидан сўз олган Тошкент кимё-технология институтининг филиали талабаси Шаҳобиддин Норқулов. – Билим олишимиз, касб эгаллашимиз учун барча шароитлар яратиб берилган юрт фарзандимиз. Шу гамхўрликларга албатта муносиб жавоб қайтарамиз.

Мулоқот давомида бундай учрашувлар барчага шижоат бағишлаши, ёшларга кўп нарсани бериши аёнлашди.

Хайрулла АМИНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши Мадааний-матрифей ва спорт ишлари бўлими мудири



СИЗ КИМДАН ҚЎРҚАСИЗ?

Қачонлардир, қайсидир нашрда ўқигандим. Адашмасам, ё Арнольд Шварценегер, ё Жан-Клод ван Дамдан «Сиз кимдан қўрқасиз?», деб сўрашганда, қуйдаги қисқа жавоб берилган: «Мен ҳиндларнинг кинолардаги муштлашувидан қўрқаман».

Тўғриси айтганда, ҳазил оҳангида берилган бу жавобда жон бор. Чинданам, илгари «индийский» кинолардаги «ур-йикит» сахналари энсани қотирадиган даражада эди. Яъни қўл ёки оёқда берилган зарба танага тегмасдан туриб, «рақиб» икки-уч метр нарига учиб кетарди. Ёки биттаси (яъни бош қаҳрамон) аввал яхшигина калтак егач, сўнг зўриги тутиб қолар ва камида 10-15 кишининг дабдаласини чиқариб ташларди... Муштлашишга берилган овоз ҳам ваҳимали бўларди: «бдиш-бдиш...».

Бундоқ ўйлаб кўрсам, бу ҳаётда мен ҳам айримлардан кўрқар эканман. Билганим, англаганим шунки, «қўрқинчли кимсалар» тобора кўпайиб борапти ва биз кўпинча уларни олқишлаймиз ҳам.

«Гуруч кўрмакисиз бўлмайди». Шу мақол хўб топиб айтилган-да. Оқар сувдек оқиб бораётган умринг давомида кўриб, кузатиб, гувоҳ бўлиб, бу мақолнинг аини ҳақиқатлигига жуда кўп амин бўларкансан. Афсуски, шундай...

Хуллас, мана ўша, мен кўрқадиган айрим кимсалар:

- Икки муборак Ҳайит ва бошқа байрамларда нафси хакалак отадиган ҳайдовчилардан, бозорчилардан кўрқаман;
- Жанозада пул талашадиган муллардан кўрқаман;
- Масала ёки муаммога аёлини рўпара қиладиган «эркак»лардан кўрқаман;
- Об-ҳаво ва нарх-наводек ўзгарувчан, товусдек тусланувчан, тулқидек моланувчан «буқаламун»лардан кўрқаман;
- Дехкончиликка пул тикиб, пулини «ювадиган» «деҳқон»лардан кўрқаман;
- Турли даражада муқофотланган, унвони, «Олтин қалам» и бор айрим ижодкор ва журналистлардан кўрқаман;
- «Алифни калтак» дейдиган «педагог»лардан кўрқаман;
- Беморларни «соғадиган» «дўхтир»лардан кўрқаман;
- Тайинли иш бермайдиган, аммо ишга «берилиб кетган» пенсионерлардан кўрқаман;
- Боласига минн кредит бериб, сўнг отасини суриштириб юрадиган «банк»лардан кўрқаман;
- Ҳам энидан, ҳам бўйидан урадиган «қурувчилар»дан кўрқаман;
- Ҳар йили йўлларни йўлга ямашдан, амал-тақал таъмирлашдан ҳеч чарчамайдиган «йўлсоз»лардан кўрқаман;
- Овозида илиги йўқлардан, клипиди қилиги кўплардан кўрқаман;
- Бир тийинга қиммат кинолар ва сариқ қақага арзимайдиган, суюқ сериалларни яратаётган «санъаткор»лардан кўрқаман;
- Қизларнинг ор-номусини, «бокиралик юки»ни муҳокама қилаётган «мак-лер»лардан кўрқаман;
- Бир ўк билан иккита куёнин уриб, ҳам «очко»ли, ҳам ақчали бўладиган устаси фаранглардан кўрқаман;
- Даражаси посонги босмайдиган популистлардан, пиарчилардан кўрқаман;
- Бўлмағур дорини беғоналарга мактаб, тавсия қилиб ўтказадиган, аммо ота-онаси ёки яқинлари касал бўлганда, асл дори қидирадиган «аптекачи»лардан кўрқаман;
- Маддоҳликни, хушомадгўйликни, лаганбардорликни касб қилиб олган касрлардан кўрқаман;
- Ҳақсизликдан кўз ёшлар тўкилишига сабабчи бўлаётган «ҳақпараст»лардан кўрқаман;
- Қадрият, инсонийлик масаласида ўзиникини ёт, ўзганикини ёд биладиган, яъни четнинг «хўрозқанди»ни ётволлиб ялайдиган «билгич»лардан кўрқаман;
- Кўзбўямачилик қилиш, тўловлар жорий этишда бургани ҳам тақалайдиган «кашфиётчилар»дан кўрқаман;
- Халқим, дея халқумини ўйлайдиган «ҳақгўйлар»дан кўрқаман;
- ...
- Худодан кўрқмаганлардан кўрқаман!

Айтганча, сиз-чи, сиз кимдан кўрқасиз?!

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2019 йил 19 июнда «Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникаси заводи» акциядорлик жамиятига берилган (СТИР: 303048260, реестр рақами: 08263, серияси: ПР, №0808374 рақами) лицензия йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти жамоаси таълим муассасасининг тиббиёт маркази мутахассиси Гулчехра Мирхалиқовага онаси

Муҳайё МИРХАЛИҚОВА
вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



Таълим қилишимиз керак!

Кизиқ-да, бу дунё: ҳамма ҳаммага ниманидир ўргатгиси, ҳамма ҳаммадан ниманидир талаб қилиб олгиси келади. Ҳақ йўқ, ҳақиқат йўқ, бироқ даъвогарлар кўп. Сўлагини артишга ўрганмаган болакай муаллимга нафақат сўз қайтаради, ҳатто мушт ўқтади, уни ота-онасига кўшилиб, савалайди ҳам. Саводи, билими ҳаминқадар даражадаги эркатой берилган имтиёз асосида истаган олий ўқув юртига кириши мумкин. Имтиёзлар берилган мактабларга кирувчиларнинг билим ва дунёқарашини баҳоловчилар билимларнинг бари нисбийлигини билишади. Нисбийга эса меъёр йўқ. «ISHONCH» ГАЗЕТАСИДА АЛИЖОН АБДУРАҲМОНОВНИНГ «ЎЗГАРИШСIZ ЎЗГАРАЁТГАН ТАЪЛИМ...» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ, КўНГЛИМДАН ШУНДАЙ ЎЙЛАР КЕЧДИ.

Муаллимнинг куёнишлари бежиз эмас. Педагогика бугунги ислохотлардан фақат позитивни излайди, у воқеликни ўзгартириш ва рационал-танқидий баҳолашга қодир эмас. Турли хорижий тажрибаларни буюк кашфиёт, инновация ва янги педтехнология деб, миллий синовлардан ўтган таълим усулларини йўққа чиқаришнинг фожиа эканини энди англаяпмиз.

Сардор уйга жуда кеч келди. Соат тунги иккига яқинлашганди. У уйга кириши билан қанча хушани йўқотди. Бевозта бўлиб кутиб ўтирган онанинг юраги қинидан чиқаёзди. Дарров тез ёрдамга кўнғироқ қилишди. Шифокорларнинг ташхиси ота-онани баттар ваҳимага солди. Сардор катта миқдорда психотроп таблетка қабул қилган экан...

Афсуски, кейинги йилларда ёшлар орасида психотроп моддаларга ружу қўяётганлар сони ортиб бораётди.

Ўсмирларни зарарли оdatлар, гиёҳванд моддалар таъсиридан муҳофаза қилиш бутун дунёда долзарб аҳамият касб этмоқда, - дейди нарколог шифокор Азамат Жуманиёзов. - Наркомания, токсикомания, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ўсиб келаётган организмни ишдан чиқаради. Уч-тўрт марта наркотик модда қабул қилгандан кейин унинг таъсиридан қутулиш қийин. Энди киши шунчаки «кайф» учун эмас, танасидаги оғриқлардан қутулиш учун торабора кучлироқ наркотик излай бошлайди. Гиёҳванд моддалар жигар фаолиятини, асаб ҳужайраларини ишдан чиқаради. Бунинг оқибатида кўриш, эшитиш, хид билиш, фикрлаш қобилиятлари йўқола боради. Гиёҳвандларда тана қақшаб оғрийди, уйқусизликка гирифт ор бўлади. ОИТСга чалиниш эҳтимоли ортади, эрта ўлимга олиб келади. Фарзандлари ногирон туғилиши мумкин.

Ҳа, гиёҳванд моддалар инсонни абгор қилади. Буни англаш учун ўтган асрнинг 90-йил-

Ўқитувчиларнинг қоғозбозликдан холи этилаётгани ҳақида нималар билтирмади? Бу кафедра йилига 30-35 кило қоғоз сарфлашига нима дейсиз? Ўрта мактабларда ҳам бундан кам эмас. Қоғозбозлик, турли-туман нормативларга жавоб бериш, ҳар бир ўқувчининг дарсларни ўзлаштириши-ю хулқ-атвори-гача, бўш вақтини қандай ўтказмоқда-ю қандай китоб ўқиётганигача жавоб бериш... Узр, муаллимни, Устозни биз догма тарғиботчига айлантириб қўямдикми?

Ҳар бир ёш таълим-тарбиядан бахтли, креатив, фаол яшаш сирларини ўрганиши керак. Таълим-тарбиядан ўзини бахтиёр сезмаган кишини деярли ҳеч нима бахтиёр қилолмайди. Бизнинг таълим-тарбиямиз ушбу гуманистик, боқий тамойилни унутди. У бахтиёр авлодни эмас, фарб тақлиф этаётган, ҳатто тарғиб қилаётганларнинг ўзи ҳам аниқ билмайдиган модулларни, схема ва формулаларни ёдлайдиган ёшларни етиштиришга ружу қўйди. Қарангки, ушбу таълим модулларида ахлоққа оид мавзу йўқ.

Мен инкор қилмайман, хорижий педтехнологиялар маълум бир давлатлар (Япония, Сингапур, ҳатто Саудия Арабистони)да ижобий натижалар берган. Таълимга интеграциялашишга, илғор педтехнологиялардан фойдаланишга интилиш хос. Таълимнинг ушбу транс-миллий, умуминсоний хусусияти этно-педагогик тажрибаларни рад этиши ёки уларни модернизация, инновация ва интеграция байроғи остида сиқиб чиқариш мумкин эмас.

Бир доно нақлни эслаб юраман: «Эти сизники, суяги бизники». Билимни, касбли бўлиш - машаққатли изланиш.


Унда айтия кўп. Навоий ибораси билан айтганда, муаллим ранж билан ҳарфга, касбга ўргатади. Ушбу ранжни минг ганж билан ҳам сотиб ололмайсиз. Олимлар фикрига кўра, ўқитувчи бир соатлик дарсига тайёрланишида жисмоний меҳнат кишидан саккиз баробар кўп куч сарфлайди. Ҳа, интеллектуал изланишда меҳнат кўп. Қоникмаслик ва синов кўп. Бир шоирнинг қиёси топиш учун неча тунларни бедор ўтказганини эслаймизу муаллимнинг машаққатли изланишларини, ҳар бир шогирди тақдир учун ёниб-қуйишларини негадир унутамиз. Муаллимликни оддий касбга тенглайдиган бўлиб қолдик. Ахборотлар оқими кенгаётган ва таълим воситалари тез алмашаётган ҳозирги давр муаллим ҳақидаги тасаввурларимизни ўзгартириб юбормоқда. Энди фарзандини мактабга элтаётган киши «эти сизники» эмас, «боламинг бошидан бир тук ҳам тўқилмасин», дейди. Болалар ҳуқуқини тўқ қилади. У боласини масъулиятли бўлишга ундаш ўрнига муаллимга «права качачи» қилади. Фарб педагогикасида ибратли тажрибалар ва ғоялар бор, бироқ уларни кўр-кўрона, модернизация ва «фарбга етиб олиш» байроғи остида татбиқ этиш маъқул эмас. Шарқ этнопедагогикасида дидактика кўп бўлса-да, у «эти сизники, суяги бизники» тамойилига қурилган. Шарқ этнопедагогикаси болага маънавий-ахлоқий, Фарб эса интеллектуал-прагматик манбаи сифатида қарайди. Биринчи моделдан иккинчи моделга ўтиш тарбиячи билан тарбияланувчи, таълим субъекти билан таълим объекти ўртасида зиддиятларни келтириб чиқаряпти. Миллий таълим модели ҳақида ҳар солинапти, аслида ундай модел йўқ. Миллий таълим апо-

летелари бу фикримни рад этишлари мумкин, аксинча бўлганида, юқоридаги мақолада изтиробли масалалар тилга олинмасди. Бугун таълим-тарбия соҳасида «депрессия» деган тушунча пайдо бўлди. Ушбу деструктив психологик ҳолат муаллимни ҳам, ўқувчиларни ҳам қамраб олмақда. Инсондан инсонийликни сиқиб чиқаришга қурилган ин-формацион, индустриал ва постиндустриал жамият таълимни тарбиядан ажратди. Бунинг депрессияга олиб келишини фарб педагоглар ўтган асрда огоҳлантиришганди. Мақолада тилга олинган зиддиятларга ана шу депрессиянинг таъсирини сезиш қийин эмас.

Таълим бор - муаммо бор. Тарбиянинг ўзи энг катта муаммо. Мактаблар ушбу чексиз муаммоларни ечишга интилаётган экан, уларга ҳам, муаллимларга ҳам таълим қилишимиз зарур. Педагогика - олийжаноб соҳа, педагог - фидойи инсон. Уларни эъозлаш жамиятимизнинг бурчидир.

Яна бир нарса. Ўқувчиларда, талаба ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Қарангки, олийгоҳлар талаба-ёшлар ўртасида дарсдан кейин тарбиявий, маърифий ишларни ташкил қилувчи тўтёр лавозимлари жорий этилган. Агар бирор талаба ноўя иш қилиб қўйса, ўша тўтёр жазоланади. Наҳотки, 17-21 ёшдаги талаба ноўя иши учун ҳуқуқий жавобгарлик борлигини билмаса? Йўқ, билади, лекин уни жавобгарликка тортиш механизми ишламайди. Агар мактабда ҳам ҳуқуқий механизм ишлаганида эди...

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори



ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ЧЎНТАГИДА НИМА БОР?

лари ва 2000-йиллар бошини ёдга олиш қийин. Ўшанда қанчадан-қанча навқирон йиғит-қизлар ҳаётдан бевакт кетган, қанча фарзандлар ногирон туғилган, оилалар барбод бўлган, ота-оналар «болам»лаб қолган эди.

Гиёҳвандликка муккасидан кетган кишида ҳаётга қизиқиш сўнади. Атрофга, яқинларига бепарво бўлиб қолади. Гурурсиз, шарафсиз кимсага айланади. Унинг учун ягона мақсад кунлик истеъмол учун зарур гиёҳванд моддани ҳар қандай йўл билан қўлга киритиш бўлиб қолади. Оқибатда жиноятга қўл уради. Гиёҳвандлар сафи кенгайиши жамият ривожига болта бўлиб урилади. Шу боис, ушбу турдаги жиноятга

қарши курашиш ўта мурасасиз бўлиши тақозо этади.

2023 йилда Хоразм вилояти божхона бошқармаси ходимлари 48 та ҳолатда 38 килограмм, жорий йилнинг ўтган даврида эса 7 та ҳолатда 12 килограммдан ортиқ гиёҳванд воситаларни ноқонуний кириб келишининг олдини олишди.

Гиёҳванд моддалар савдоси ҳақида эшитганда, бу кўшним ёки қариндошим деб юз-хотир қилиб ўтирмасдан қонун ҳимоячиларига мурожаат этиш лозим, - дейди фахрий педагог Султонбой ота Норметов. - Бир нарқофуруш юзлаб ёшларнинг ҳаётини барбод қилади. Миллатимиз эртаси ҳақида ҳар биримиз қайғуришимиз зарур. Таҳлилларга кўра, ўспи-

ринларнинг психотроп моддаларга, гиёҳвандликка ружу қўйишига руҳий зарбалардан ўзларини ҳимоя қила олмай-ётгани сабаб бўлар экан. Оилалар ақибатда ва можаролар, ота-онанинг фарзандини қариндошларига ташлаб, хорижда ишлаши ёки уларнинг гиёҳванд моддалар, спиртли ичимликларга муккасидан кетиши болаларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Улар «стресс»ларни енгиш учун таблетка қабул қиляпти, сига-рета чекапти, ароқ ичяпти. Бундайлар орасида қизлар ҳам борлиги эса жуда ачинарлидир. Гиёҳвандликнинг этагидан тутган беш-олти ўсмир бошқаларни ҳам эргаштириши мумкин.

Ўсмирлар ўз қилмишларининг оқибатларини унча тушунишмайди. Шу боис, тарғибот ишларини кучайтириш зарур. Аммо тарғибот тадбирлари расмий маърузалардан холи, самимий мулоқот, видеороликлар орқали олиб борилсагина, ёшларга ижобий таъсир ўтказилади. Қолаверса, ҳар бир ота-она фарзандининг тарбияси, соғлиғига масъулият билан ёндашиши лозим.

Дарвоқе, ўсмирнинг гиёҳванд модда истеъмол қилишини қандай аниқлаш мумкин?

Буни унинг ўзини тутишидан, юз-кўзидан англаса бўлади, - дейди нарколог шифокор Азамат Жуманиёзов. - Ўсмир жиззаки, атрофга лоқайд бўлиб қолса, у билан самимий муносабатда бўлиш, шифокор кўригига олиб бориш зарур. Ўсмир гиёҳванд модда қабул қилмаган тақдирда ҳам унинг руҳиятида муаммолар бўлиши мумкин. Ўсмир ортиқча пул сўрай бошласа, унга эътиборни ошириш, шахсий буюмларини назорат қилиб бориш керак.

Мутахассислар психотроп ва гиёҳванд моддалар савдоси кўпроқ ижтимоий тармоқлар орқали йўлга қўйилгани сабабли ўсмирларнинг виртуал дўстлари билан ҳам қизиқиб туриш зарурлигини таъкидлашмоқда. Умуман, ўсмир тарбияси алоҳида эътибор талаб қилади. У ёмон йўлга кириб кетмаслиги учун меҳримизни, ўғитларимизни аямайлик.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»



Осмонни ногаҳон қуюқ булутлар қоплади. Булутлар уюри шимол томонга интилар, худди онаси ортидан югураётган болалардек, шошиб, ўйнаб, ҳовлиқиб бир-бирининг ортидан сузишар, аммо уларнинг бу ҳаракати қуюндан дарак берадигандек ваҳимали эди.

Бу ҳолатдан Қосим ота хавотирга тушиб, кўнгли беҳузур бўлди, юрагида санчик турди. Беихтиёр безовталана бошлади. Нафаси бўзига тикилиб, ғайрати ичига сиғмаётгандек атрофга жовдирди. Ёнида оппоқ кийимда турган аёлини кўрибгина кўнглида умид учкунланди:

— Сув... Менга сув бер, Соҳиба! — илтижоли термулди хотинига. Аёл эрининг илтижосини эшитмагандек, истеҳзоли жилмайган кўйи унга захархандлик билан тикилди:

— Нега сизга сув бераман? Ахир мен бу дунёдан кетганимдан сўнг сиз оиламизни ўз холига ташлаб қўйдингиз. Болаларимиз билан ҳам ишингиз бўлмай, ўз ёнингизга ўзингиз қовурилдингиз. Қайғуга ботиб, мени ҳам жонсарақ қилиб, азобларга дучор этдингиз. Мана, бугун оиламиз нураб бораёпти. Оила устун — сиз ҳам йиқилишга тайёрсиз. Келинлар бир-бирини ва сизни ғажига тайёр. Бир пилла сув тутишга ҳам ярамайгилар. Аслида сизни ҳам ўзим билан бирга олиб кетсам бўлар экан. Афсус... Ҳаммаси Оллоҳдан. Сизга сув бера олмаيمان ва бермайман ҳам, зора, энди кўзингиз очилса...

Кўзи илиниб, терга ботган Қосим ота худди ўнгидагидек кўрган бир лаҳзалик тушидан сесканиб, сувсираб ўйғонди. Инқиллаганча ўрнидан турди-да, чойнакдаги совиб қолган чойни пиёлага қўйиб, ютқиб смирди. Баданини совуқ тер босди. У пешонаси терини эски сочичка билан артар экан, чуқур «ух» тортиди. Кўрган туши таъбирини еномай, оғир ўйга ботди. Ростанам, аёли касаллик туфайли оқшамдан ўтгач, у ғамга ботиб, ўйдан чиқмай қўйди. Бошқаларга қўшилагани етмагандай, ўғиллари билан ҳам иши бўлмади. Ҳатто набираларнинг қий-чуви, бегубор қилиқлари ҳам кўнглини илта олмади.

Ахир 35 йил бир ёстиққа бош қўйган аёлидан ажраб қолишининг ўзи бўладими? Гап унинг иссиқ-совуғида ҳам эмас. Соҳиба унинг тиргаги, суянчи, кўнгли очиб, сирлашадиган бирдан-бир яқин инсониди. Қўққисдан ташлади-кетди. Қосим ота шундан сўнггина ўзига Соҳибасиз бу дунё қоронғулигини, яшашнинг қизғи қолмаганини англади.

Ушандан бунён кеча-ю кундуз бир ўзи хонасида ҳаёт билан курашади, ёнади, ўчади. Бир лаҳзалик саломлашгани кирган ўғиллар наридан-бери отадан хол-ахвол сўрашадиган, яна ўз хоналарига, оиласи ва болалари бағрига йўл олишди. Қосим ота яна соқиллик ва танҳолик шаробини ичиб, ёлғизлик бағрига нур ва меҳр тиланиб қоларедди.

Айниқса, кеч тушидан юраги безиллайди. Чунки тонг отириш азобининг ўзинаси. Туннинг арқонини ўриб, жиловлаб, ўзи билан ўзи олишидан қўра, қанийди, жон таслим қилса-ю, Соҳибасининг олдига бора қолса. Қанийди, шу бири кам дунёнинг физики-фасодлари ва азобларидан қутула-да, боқий оламга тезроқ кета қолса... Тағинам, айрилиқ ва соғинч азобига вақт даво экан. Мана, аёли вафот этганига ҳам бир йил тўлапти. Яқинда унинг барча маърақаси ва удувларини беминнат амалга оширишди. Фарзандлари ҳам қараб турмай, отаси ёнида бўлишди.

Аммо Қосим ота доим тотув ва ахил кўринган оиласи аввалгидек эмаслигини сезапти. Баъзан икки оила фарзандлари талашиб қолишини, келинлар ўртага тушиб жанжаллашини, гоҳида эрига ўшқирини билиб турибди. Шунга қарамай, ўз дарди етарли бўлгани учун буларни кўриб-кўрмасликка, сезиб-сезмасликка олиб юрибди. Каттиқ гапирмай, оилага пўтур етгачти.

Оила нотинч бўлса, руҳ безовта бўлади, деганлари рост экан. Буни оламдан ўтган аёли сезган шекилли, тушида огоҳлантирипти. «Ишқилиб, бирор қор-хол бўлмасин-да» деб, кўнглидан ўтказган Қосим ота «Бунинг олдини олиш чораларини кўришим керак», деб ўзича гуфранди.

Минг афсуски, бўладиган иш барибир содир бўлар экан. Ушанда кун билан тун баробар бўлди, кун билан жон бир-бирига зугум қилди, ака билан ука бегоналашди...

Бу жанжалдан сўнг Қосим ота миясига қон қуюлиб, шифохонага тушди. Келинлардан ҳам, ўғилларидан ҳам қаттиқ оғринди. Кундан-кунга иштаҳадан қолиб, томоғидан лўқма ўтмай қолди. Ўз холини яхши англаган ота ўлимидан олдин ўғиллари — Азимжон билан Нозимжонни ёнига чақирди.

— Болаларим, — деди хаста овозда, — бу дунёда сизлардан бошқа зурриётим йўқ. Раҳматли онангиз иккимиз бутун умримизни сизларга бағишладик. Узимизни ўтга-чўққа урдик. Насихатим,

ЭНГ ЖОЗИБАДОР САНАТОРИЙЛАРДАН БИРИ

Фарғона вилоятидаги «Чимён санаторийси» республикамиздаги энг сўлим сихатгоҳлардан бири саналади. Уни ҳатто хорижликлар ҳам яхши билишади. Шунданмикин ушбу маскан қишин-ёзин доимо дам олувчилар билан гавжум. Биз унга тамапл тошини қўйган, 40 йил шу жамоада ишлаб, бор билим ва куч-ғайратини одамлар саломатлигини асрашга бағишлаган Карим Раҳмонов билан суҳбатлашдик.

— Аввало, сихатгоҳ тарихига бирров тўх-талиб бўлсангиз.

— Уни барпо этиш 1978 йилда бошланган. Бунёдкорлик ишлари республика, вилоят, Касаба уюшмалари Федерациясининг санатор-курортлар бошқармаси ва ҳукумат масъуллари назорати остида олиб борилган. Ҳатто мамлакатимизнинг совиқ раҳбари Шароф Рашидов ҳам қурилиш майдонига бир неча марта келиб, тегишли кўрсатмалар берган, фойдали тақдиф-мулоҳазалар билдирган.

Уша пайтлар камина Фарғона шаҳрида хирурғ бўлиб ишлардим. Қутилмаганда янги сихатгоҳга директор этиб тайинланишимни маълум қилишди. Мен «Шифокор бўла туриб, қанақасига санаторийга директорлик қиламан?» дея ажабландим. Кейин билсам, ёшларга кенг ўрин бериш мақсадида мени ташлаган экан.

Алқисса, қурилиш майдонига келдим. Санаторий қад ростлайдиган жойдаги йўллар тупроқ ва чангага тўла, хали бирорта дароҳт ҳам экилмаганди. Ана шундай бир вазиятда мутасаддиқлар менга далда беришди, барпо этилажак санаторийнинг келажаги порлоқ бўлишини бот-бот эслатишди.

1979 йил 17 апрель кун сихатгоҳнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. У дастлаб ўз кучоғига мазкур иншоот қурувчилардан иборат 50 нафар миждони қабул қилди. Кейин хар бири 250 ўринга эга «Хаворанг» ва «Яшил» деб аталмиш беш қаватли бинолар ҳам йўланма асосида келганлар билан гавжумлаша бошлади. Мен эса хориждаги турли сихатгоҳларда бўлиб, тажриба орттириб қайтдим.

— Санаторий асосан қандай хасталикларни даволашга ихтисослашган?

— Бу ердан чиқадиган шифобахш маъданли сув бошқа маъданли сувлардан таркиби, сульфид-олтингургуртга бойлиги ва талай дардларга малҳам бўлиши билан ажралиб туради, аниқроғи, Сочиди «Мацеста» сихатгоҳи сувларига айнан ўхшашир. Шунинг учун ҳам сихатгоҳимиздан йил бўйи маҳаллий ва хорижлик дам олувчилару даволанувчиларнинг оёғи узилмайди.

— Хозирда сихатгоҳда ўртасида ҳам рақобат анча кўпайган. Бу эса хизмат кўрсатиш сифатини оширишни, замонавий андозалар асосида иш юретишни тақозо этади.

— Ҳақ гапни айтдингиз. Масалан, бизнинг масканимиз ёнида ҳам бир неча сихатгоҳ фао-

лият юрutmоқда. Демак, дам олиш ва даволаш сифатини яхшиламасак, ўз-ўзидан миждозларимизни йўқотамиз. Шунга назарда тутиб, эзгу ният-ла санаториймига келганлар кўнглини хордиқ чиқаришлари учун кизмат қилишни бош мақсадимизга айлантирганмиз. Бунинг учун барча тиббий кизматларни ўзида муҷассам этган икки қаватли замонавий даволаш биносига, битта тўрт қаватли ва тўртта беш қаватли кўркам ётоқ биноларида даволанувчилар учун зарур шароитлар яратганмиз. Улар ўз хоҳишлари бўйича люкс ёки стандарт хоналарга жойлашишлари мумкин.

Энг муҳими, жамоамизда юқори малакали, замонага ҳамнафас етуқ мутахассислар ишлашади. Муассасамиз 845 нафар даволанувчини қабул қилиб олиш имконига эга. Асаб тизими, юрак-қон томири, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик, урологик, тери ва 4 ёшдан юқори болаларда кечадиган артрит, бронхит, тонзилит, энурез, невроздан азият чекаётганларни даволаймиз.

Бундан ташқари, муассасамизда стоматология, минерал суви ванналар, таҳлил хоналари, умуртка поғонасини даволайдиган компьютерли ВТЛ аппарати, сузми хавзаси, фитнес-зал, фитобар мавжуд. Миждозларимиз терапия, невролог ва физиотерапия йўналишлари бўйича ҳам муолажалар олишлари мумкин. Сихатгоҳимизда зарб тўлқинли терапия жорий қилиниб, кедр мини-сауналар кўпайтирилгани бу ерга ошиқайтганлар сони кўпайишига ўзига хос омил бўлишига хизмат қилмоқда.

— Миждозлар айнан «Чимён санаторийси»ни танлашларининг асл сабаби нимада?

— Биринчидан, бу сихатгоҳ йилнинг тўрт фаслида ҳам жозибасини йўқотмайдиган, ўзига хос иклими, мусофҳо ҳавоси билан ажралиб турадиган қирлар бағрида жойлашган. Иккинчидан, санаторийдаги муолажаларнинг асосий негизини сероводородли минерал сувлар билан ванналар қабул қилиш ва шифобахш балчиқ ёрдамида даволаш ташкил қилади. Бу кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Учинчидан, сихатгоҳда ичиш учун сульфат гидроксиднатрийли минерал сувдан фойдаланилади. У овқат хазм қилиш органларининг шира ажратиш, ҳаракат ва суртилиш функцияларига ижобий таъсир кўрсатиб, оқсил, қанд, сув ва туз алмашивини яхшилайдиган, ферментлар фаоллигини оширади.

Албатта, ишимизни тўғри йўлга қўйишимизда ва дам олувчилар меҳрини қозонишимизда Ўзбекистон касабая уюшмалари Федерациясининг кўмаги ва хар томонлама қўллаб-қувватлаши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суҳбат



— Салмоқли муваффақиятларга эришишининг асосий омиллари кўпроқ нимадан иборат бўлмоқда?

— Аввало, бизда муолажалар энг замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган хоналарда олиб борилди. Хусусан, 2018 йили контракт ванна, электросон ҳамда ингалция аппаратлари воситасида даволаш, зарба-тўлқинли терапия каби даво турлари ишга туширилди. 2022 йили янги озонотерапия аппарати келтирилди. Кейинги йилларда миждозларга янада юқори даражада хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш имкониятларини кенгайтириш мақсадида муолажа хоналари жаҳон андозаларига мос янги тиббий ускуналар билан таъминланди, фито-сауна усули амалиётга жорий этилди. Хозир астма касаллигини «тузли ёр», урологик касалликларни «Андро-ген» компьютерли аппарат, асаб касалликларини ГАИ, умуртка суюқлари чўзилиши ва чурра билан боғлиқ хасталикларни ВТЛ аппарати ёрдамида даволаш йўлга қўйилган. Дикқатга молик яна бир жиҳати, муассасамизда хизмат кўрсатиш нархлари ҳамёнбоқдир. Бу ҳам дардига шифо истаб келувчилар сафи кенгайишига замин яратмоқда.

— Санаторийда дам олувчиларга даволанишдан ташқари яна қандай қулайликлар яратилган?

— Меҳмонлар кўнглини хордиқ чиқаришлари учун концерт дастурлари уюштирилади. Муассаса худудида, ётоқ корпуслари ва ошхонада интернет Wi-Fi юқори тезликда ишлайди. Епиқ спорт зали, тренажерлар ўрнатилган заллар, ёпиқ сузми хавзаси, 5 мингдан ортиқ китоб фондига эга 50 ўринли кутубхона, кўркам маданият саройи, 1100 ўринли икки қаватли ошхона ҳам доимо дам олувчилар хизматида.

Сўнгсўз ўрнида: Айни кезларда «Чимён санаторийси»да директор маслаҳатчиси вазифасида ишлаётган Карим Раҳмонов бу йил 80 ёшини қарши олмақда. Биз унга жамоамиз номидан узоқ умр, мустақкам соғлиқ ва оилавий бахт-саодат, сихатгоҳнинг янада гуллаб-яшнаши борасида амалга ошираётган ишлариға муваффақиятлар тилаймиз.

«ISHONCH» мухбири Жамшид ЭРГАШЕВ суҳбатлашди



ўзаро ахил-иноқ бўлинглар. Менинг қанча умрим қолганини ёлғиз Худо билади. Дунёдан кўз юмганимдан кейин шундай ахил яшангларики, одамлар ҳавас қилишини! Мана шу катта ҳовли ва катта томорка сизларники. Улар иккалангизга ҳам етади. Менинг охири васияти эса қуйидагича: ака-ука уришмай, мол-дунё ва ер талашмай, фарзандларингиз билан тинч-тотув яшанглар. Бамаслаҳат, ўйлашиб ва фикрлашиб иш тутинглар! Ана шунда онангиз ва менинг руҳим шод бўлади. Худо кўрсатмасин, борди-ю, орангиздан ака-укачилик, жигарчилик, меҳр-оқибат қўтарилса, бизнинг руҳимиз чирқирайди...

Орадан кўп ўтмай Қосим ота чин дунёга рихлат қилди. Ўғиллар умри машаққатли меҳнатда ўтган отани иззат-иқром билан қабрга қўйишди. Кишлоқнинг катта-кичиги марҳумининг тобуну қабристонига қўлма-қўл қилиб қўтариб боришди. «Қосим ота қандай одам эди?» деган саволга оломон бир овоздан «Халол ва бебаҳо одам эди», дея жавоб қайтарди.

Ота ўлимидан сўнг ака-ука бир муддат иноқ яшадилар. Овсинлар тилларини тийиб турдилар. Ака-укалар ўзаро маслаҳатлашиб иш кўришар, рўзғорда файзу барака бисёр, фарзандлар ўйнаб-қувнаб бир ҳовлида вояга етаётган эди. Негадир кейинчалик оила иноқлигига кўз тегдими ёки унинг илдизига қурт тушдими, ака-уканинг болалари ўртасидаги арзиманг келишимовчиликлар овсинлар мождаросига айланди. Улар авб олдингидан гиди-бидилар ва дилхиралликлар ака-ука ўртасига совуқлик туширди. Қулоғини турли гаплар билан бураётган хотинлари гапига лаққа тушган ака-ука ота насихатини унута бошладилар.

Кунлар ўтиб, улар битта дарвозадан кириб-чиқаётиб, ўзаро рўпара келса, тескари қарайдиган, бир-бирига безрайдиган, овсинлар эса бир-бирига чанг соладиган даражага етишди. Уларнинг жанжалидан безор бўлган маҳалла ахли ўртадан девор уриб, дарвозани иккита қилишни маслаҳат беришди.

Катта томорқада Қосим ота эккан турли мевали дароҳтлар кўп эди. Мевалар пишиб етилганда, ёзи бўйи икки оилани тўйдирар, бундан ташқари, кишта оби туршақлар қуритиб олинарди. Набираларнинг семилми ноз-неъматлари — нашватию ўрик, анжиру шотутларни айтмаска ҳам бўлади.

Бир қарашда ҳаммаси силлиқ кечаётган эди. Аммо хар йили марждонек катта-катта мева соладиган, деворнинг ўрта чизигига тўғри келган шотут «маники-саники» дея, талош бўлди. Акаси «Тут мен томонда қолади», деб иттибо қилса, укаси «Йўқ, мен томонда қолади», дея оёқ тираб турди олди. Бу томошага гувоҳ бўлган овсинлар «Бизнинг болаимиз кўп, бизда қолсин» дея эрларини бир-бирига гиж-гилладилар. Уртага ҳақоратлар қўшилди.

Бу тортишув ва мождаролардан қони кўпирган Азимжон

омборхонадан ўтин ёрадиган ойболтани олиб чиқиб, «Унда бу шотут менга ҳам, сенга ҳам йўқ», дея аччиқ устида отаси эккан дарахтга зарб билан болта урди. Нозимжон ҳам бўш келмади. Жаҳлдан ақлини йўқотиб, ақасининг қўлидан болтани тортиб олди-да, бехосдан унинг гарданига туширди.

Ховлини қиёмат кўпди. Ер қонга бўзлди. Болалар қий-чув кўтариб, отасига отилди, овсинлар уввос солишди. Бир вақтлар файзли саналган хонадондан янграётган дод-фарёд ва бақир-чақирларни эшитган кўни-қўшилар Қосим отанинг ховлиси томон юришди. У ерга кириб боргач, бирови ёрдамга шошилса, бирови хайратдан бошини, бошқаси ёқасини ушлади...

Кўп ўтмай чақирқ бўйича етиб келган «Шошилинч тиббий ёрдам» машинаси қонга бўялган ақани шифохонага олиб кетди. Зудлик билан пайдо бўлган формали кишилар эса Нозимжоннинг қўлига кишан солиб, жигаранг машина томон судрадилар. Овсинлар ва болалар машиналар ортидан «дод» солиб, қувиллаб қоларедилар.

Шифохонада икки кун хушсиз ётган, жароҳати туфайли кўп қон йўқотган Азимжоннинг ҳаётини шифокорлар ҳам сақлаб қолишолмади. Алаоқибат, Азимжон яқинларига бир сўз айтмай, отаси васиятини бажаролмай, жон таслим қилди.

Нозимжон ҳам шу кетганича ўйга қайтмади, анча вақтдан сўнг сўз бўлиб, у узоқ муддатда озодликдан маҳрум этилди. Қишлоқ ахли шундай бамаъни оилалдан бемаъни фарзандлар чиққанидан қаттиқ афсусланди. Қайвонлар халол инсонларнинг фарзандлари тубанлик йўлини тутганига ачдиндилар.

Энг ёмони, зурриётлар суянчиксиз, кенг ҳовли эрқаксиз қолди. Унинг ўртасида қад кўтарган янги девор бу инсонларга дош беролмай, бир йилдаёқ қулаб тушди. Муқаддам хар йили шигил ҳосилга кириб, гўдақлар оғзини болга тўлдирган, кейинчалик танасининг ярми каллакланган шотут шу-шу қайтиб мевала солимади, яшнамади, туркирамади. Бошқа дароҳтлар ҳам қаровсизликдан сарғайди.

Ховлидан нур, файз-барака йўқолди. Марҳумлар руҳи чирқирагани туфайли хонадондан бахт-барака ариди. Ноахил фарзандлар оиласи парокандаликка юз тутди...

Марям АҲМЕДОВА

МУАССИС:

 O'zbekiston Kasaba Uyushmalari Federatsiyasi
 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullah AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAHIMOV,
Shoqsim SHIQSLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira QO'YIBNAZAROVA,
Anvar G'ULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
 Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
 Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
 Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
 Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
 Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
 Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-38
 Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
 Namangan viloyati — (+998-99) 889-98-02
 Navoiy viloyati — (+998-99) 889-90-28
 Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
 Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
 Surxondaryo viloyati — (+998-99) 379-19-70
 Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
 Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
 Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
 Qashqadaryo viloyati — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
 Z. Rixsiyev

Musahhib:
 D. Xudayberganova

Sahifalovchi:
 H. Abdullajilov

Boshiligi topshirish vaqti — 20:10
 Topshirish — 20:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
 E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
 Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 139 ta
Shundan: 7404 nusxasi
 «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarmasida — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 249 nusxasi «Erudit» MCHJ boshqarmasida — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8486 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ boshqarmasida — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etiladi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taqob.
Buyurtma G 411
 1 2 3 4 5 6